ВАТАН ХАРИТАСИ

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ҳамда «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар, чегара ва ички қўшинлар сафларидан заҳирага бўшатиш, фуқароларни ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида республика Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди.

* * *

Тошкентда бўлиб ўтган савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Швейцария қўшма комиссиясининг мажлисида Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) аъзо бўлиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, Орол муаммоси асоратларини бартараф этиш, Швейцария фирма ва компанияларининг қўшма лойиҳалардаги иштирокини фаоллаштириш, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

Сурхондарёликлар бу йил Наврўз байрамини Термиз шаҳри яқинидаги вилоят отчопарида нишонлайдилар. Бу ерда ҳар бир шаҳар ва туманнинг ўзига хос байрам қўрғонлари қурилади. Ўтовлар тикилган бу қўрғонларда халқимизнинг қадимий удумларига биноан сумалак пиширилади, дастурхон баҳорнинг тансиқ таомлари билан тўлади.

* * *

Қўқон шаҳрида волейбол бўйича олий табақа жамоалари ўртасида республика миллий чемпионатининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг олти кучли жамоаси куч синашган бу беллашувда Самарқанднинг «Самтелеком-кинап» волейболчилари ғалаба қозонишди.

(ЎзА хабарлари асосида тайёрланди).

«Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига

ШИЖОАТЛАР ТАСВИРИ

Республика Рассомлар уюшмаси аъзоси Эркабой Машарипов хайрли ишга қўл урди. Рассом асарлари мухлислари бу санъаткорнинг «Темурийлар тарихи давлат музейи» залларига қўйилган «Амир Темурнинг Тўхтамиш устидан ғалабаси» асари орқали яхши биладилар. Рассом шу кунларда Алпомишга бағишланган уч қисмли- триптих йирик асарини яратмоқда. Ҳозирда биринчи қисмни поёнига етказиш ишлари боряпти. Унда Алпомишнинг совут кийган жанговар ҳолатдаги сиймоси гавдалантириляпти. Қаҳрамон ёвузларга қақшатқич зарба бериш шижоатига ва курашда ғалаба қила олишига кўзи етажаги ҳолатидаги руҳияти тасвирланган. Иккинчи қисмда алп қоматли паҳлавоннинг Барчиной билан отларда шитоб кетаётгани акс эттирилса, учинчи қисмда Алпомишнинг яна бир янги жангга отланиши тасвирланади.

— Мен бу асаримни мустақиллигимиз байрами кунида очиладиган мамлакат бадиий кўргазмасида намойиш этиш ниятидаман, —дейди рассом Эркабой Машарипов.

— **Дастлабки изланишлар қандай бошланди?**

— Мустақиллигимиз йиллари биз рассомларга олам - олам илҳом бераяпти. Алпомиш сиймоси қандай бўлиши керак, деган фикрга келса, болалигимда мен ўқиган эртаклар, достонлар, ҳикоялар бир томондан ойдинроқ тасаввур берса, иккинчи томондан Бойсун тоғлари салобати, унинг қуёшда тобланган забардаст, меҳнаткаш кишилари янада аниқроқ фикрлар беряпти.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Индонезия давлат раҳбари Сухарто мамлакат иқтисодий таназзулдан азият чекмоқда, деб айтди.

* * *

Генерал Пиночет Чили пиёда қўшинлари қўмондонлиги вазифасидан истеъфога чиқар экан, кўз ёшларини тия олмади.

* * *

Кейинги беш йилда Хитойда иқтисодий жиноятлар 11 фоизга кўпайган.

* * *

АҚШнинг муносабати қандай бўлишидан қатъи назар, Россия атом энергетикаси соҳасида Эрон билан ҳамкорлик қилишдан воз кечишни режалаштирмаяпти.

* * *

АҚШ давлат котиби Оттавада Канада ташқи ишлар вазири билан музокаралар ўтказди.

* * *

Америка экспертларининг хулосасига кўра, АҚШ биоқуроллардан бўладиган ҳужумга қарши мудофаага тайёр эмас.

* * *

Бельгия ташқи ишлар вазири Косовода бўлаётган воқеаларга эҳтиёткорлик билан муносабат билдириш лозимлигини таъкидлади.

* * *

Россия ташқи ишлар вазири Евгений Примаков Болқон мамлакатларига бўладиган расмий сафарини кечиктириши мумкинлигини маълум қилди.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 12 март, пайшанба • № 31 (22.268).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЭНГ ҚАДИМИЙ, ЭНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМ

Вазирлар Маҳкамасида 11 март куни Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Уни республика Президенти Ислом Каримов бошқарди.

Наврўз халқимизнинг энг қадимги, энг миллий, энг севимли байрамидир. Уни ҳар бир инсон, ҳар бир оила орзиқиб кутади, деди Президент. Мамлакатимизда байрамлар кўп. Лекин Наврўзнинг таровати, шукуҳи ўзгача. У аввало, табиатнинг уйғониш байрамидир. Баъзан ҳаёт ташвишлари билан бўлиб табиатга узвий боғлиқлигимизни унутиб қўямиз. Ваҳоланки, инсон табиатнинг энг олий маҳсулидир.

Наврўзнинг иккинчи хусусияти, у бизнинг миллий байрамимиздир. Ота-боболаримиз минг йиллардан буён Наврўзни шодлик ва бахт айёми сифатида нишонлаб келади. Наврўз миллий қадриятларимиз мужассамлашган, миллатимизга хос ва мос байрамдир.

Баъзан Наврўзни динга қарама-қарши қўядилар. Наврўз диндан олдин пайдо бўлган. Унинг анъаналарида динга ҳеч қандай қарама-қаршилик йўқ.

Наврўз яшариш байрамидир. Табиат уйғонса, одамзод яшаради. Унинг кайфияти кўтарилиб, дунёқараши ўзгаради. Чунки у табиатдан куч олади.

Наврўз орзу-умидлар байрамидир. Баҳор бошланиши билан деҳқон ерга уруғ сочади, боғбон кўчат экиб, боғ барпо этади. Буларнинг ҳаммаси унинг эртанги кун орзулари билан яшаётганидан, ҳаётнинг абадийлигидан далолатдир.

СУРАТДА: мажлис пайти.

Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

Наврўз меҳр-мурувват айёми. Инсон ҳамиша табиатга ошиқади. Чунки одамзод табиат қўйнида покланади, унда олижаноблик, меҳрибонлик хислатлари пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам Наврўзда кексалар ва ноғиронлар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш халқимизнинг азалий одатига айланган. Бу ишда саховатпеша, савобталаб ишбилармонлар барчага ўрнак бўлиши керак.

Наврўзнинг бошқа байрамларга ўхшамайдиган, ўзига хос яна бир жиҳати — мафкурадан, сиёсатдан холи умумхалқ байрам эканлигидир. Байрамга тайёргарлик ҳам шунга яраша бўлиши лозим. Токи биз тантаналардан одамлар юракда бор туйғуларини юзага чиқаришларига, интилишларини ифодалашларига, орзу-умидларини намойиш эта олишларига имконият яратиб берайлик.

Ислом Каримов Наврўз байрамига тайёргарлик ишларининг бориши билан қизиқди. Байрам арафасида ҳовли-жойларни, кўчаларни, маҳаллаларни тозалаш, ободонлаштириш қишлоғу шаҳарларимизга ўзгача файз бағишлайди. Бу борада маҳалла, қишлоқ оқсоқоллари, туман ва шаҳар ҳокимлари бош-қош бўлиши, ҳашарга чиққанларга ҳар томонлама ёрдам беришлари лозим.

Президент Алишер Навоий номидаги Миллий боғда бўлиб ўтадиган байрам дастурига тўхталиб, унда санъатимизнинг барча ўзига хос томонлари акс этиши зарурлигини таъкидлади. Мумтоз куй ва қўшиқлар, дорбозлар, полвонлар, масхарабозларнинг чиқишлари билан бирга, миллий эстрадага ҳам жиддий эътибор бериш зарур.

«Алпомиш» достонининг минг йиллигига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Халқ оғзаки ижодининг ўлмас намунаси бўлган бу достон бевосита Наврўз билан боғлиқдир. Унда ҳам халқимизнинг кўп минг йиллик тарихи-ю, миллий анъаналари акс этган. Алпомишкелбат алп йигитлар, Барчиной сингари гўзал ва дилбар қизлар макони бўлган Ўзбекистонда Наврўз ўзгача руҳ ва тантана билан ўтишига шубҳа йўқ.

Наврўз бир кунлик байрам эмас. У уйғониш, яшариш, орзу-умидлар рамзи экан шаҳар ва қишлоқларда, овулу яйловларда баҳор бўйи давом этади. Уни миллати ва элати, дини ва эътиқодидан қатъи назар, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси кенг нишонлайди. Наврўз анъаналарида миллий қадриятлар билан бирга, умуминсоний қадриятлар ҳам мужассамлашган. Қадимда бу қутлуғ кунларда урушлар тўхтатилган, ўзаро низолар барҳам топган. Шунинг учун ҳам Шарқ халқлари Наврўзни ўзгача орзу, ўзгача интиқлик билан кутади.

Мажлисда Наврўз умумхалқ байрами томошасининг сценарий муаллифи, Ўзбекистон Халқ шоири А. Орипов, байрамнинг бош режиссёри Р. Ҳамидов, «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси бош директори А. Назаров, «Ўзбексавдо» ҳиссадорлик компанияси раиси З. Файзиев, ички ишлар вазири З. Алматов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов байрамга тайёргарлик ва уни кўнгилдагидек ўтказиш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан ахборот бердилар, ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Наврўз муносабати билан Миллий боғда меҳнаткашлар учун 3200 жой ҳозирланди. Байрам кунлари пойтахтимизнинг Мустақиллик, Хадра, Улуғбек, Халқлар Дўстлиги, Алишер Навоий номидаги театр майдонларида, Амир Темур хиёбони, Сайилгоҳ кўчаси, Сергели дам олиш маскани ва бошқа жойларда ҳам Наврўз шодиёналари бўлиб ўтади. Сумалак ва ҳалим пиширилади, савдо кўргазмалари ташкил этилади.

Йиғилишда Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, республика Бош вазири Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитаси раиси И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари иштирок этди.

(ЎзА).

СЕНИ ОРЗИҚИБ КУТМОҚДАМИЗ, НАВРЎЗ!

КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН СОВҒА

ЖИЗЗАХ. Вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан Жиззах шаҳридаги «Заргарлик» маҳалласи ҳудудида болалар боғини барпо этиш ишлари бошлаб юборилди. «Халқлар дўстлиги» шоҳ кўчасига туташадиган бу оромгоҳ 16 гектарлик майдонга жойлашади. Меъморлар ва қурувчиларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Оила йилида фойдаланишга топшириладиган болалар боғида ҳамма қулайлик муҳайё этилиши режалаштириляпти.

Абдуғаффор ОМОНБОЕВ.

Мулоҳаза

НАСАБ ВА ҲУЖЖАТ МОЖАРОЛАРИ

Қоғозбозлик ҳамон ортиқча ташвиш бўлиб келмоқда

Ўз исмини ўзгартириш, насабини ҳужжатларга хоҳлаган шаклда қайд қилдириш фуқаролик ҳуқуқларидан бири. Унга тўғаноқ бўлишга, шунингдек таъсир ўтказишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Аммо кеча унақа эмас эди. Бошқа қатор чеклашлар сингари «мағрур» совет фуқароси ўз исми ёки насабига эгалик қилиш ҳуқуқидан ҳам мосуво этилганди. Отанг Тошниёзовми, демак сен ҳам Тошниёзов бўлишинг керак. Отангнинг исмига эса «вич»ни қўшиб олишга мажбурсан. Бу шўронинг бепул «совғаси». Совғани олмай кўрчи, «халқ душмани» эканлигингни билиб қолишади.

Оллоҳга минг қатла шукрки, совет билан бирга ўша зуғумлар ҳам тарих ғилдирагининг остида қолди. Аммо кўпгина «ақлли» бошлардан уни ўчириб ташлаш унчалик осон эмас экан. Бугун орамизда «эскича» тартибда ишлаётганлар борлиги, одамларни отангга бор, онангга бор қабилида югуртираётганлари бунга ёрқин мисол.

— Муаммонинг илдизи туғуруқхонадан бошланади, - дейди пойтахтнинг С.Раҳимов тумани ФҲДЁ бўлими бошлиғи Нодира Умарова, — Чақалоқнинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномани олиб бормасангиз болангизни у ердан чиқаришмайди. Натижада ота-она шошилинч равишда исм қўяди. Ҳатто баъзан гувоҳномага келганлар орасида болангизга қандай исм қўясиз, деб сўрасак, э, билганингизни ёзинг, тезроқ берсангиз бўлди, деб шошилганлари ҳам бўлади. Натижада бир кун келиб ўша боланинг исмини ўзгартиришга мажбур бўлишади.

Аслида қонуний жиҳатдан бу ҳам осон. Битта ариза билан ФҲДЁ бўлимида исм ўзгартириб берилиши шарт. Аммо қонун-қоидадан эски ақидани устун қўядиганларга дуч келиб қолсангиз борми, аллақандай қоғозу маълумотлар сўрайвериб тинкангизни қуритишади.

Никоҳ пайтида насаб алмаштириш билан боғлиқ муаммолар эса бунисидан бешбаттар. Бизнинг халқимизга четдан кириб келган бу одат аслида қачон ва нима сабабдан пайдо бўлганини билмадиг-у, ҳар ҳолда, бизнинг фикри ожизимизча, у ортиқча ташвиш бўлди. Эри вафот этгандан ёки ажрашишгандан сўнг бошқасига теккан аёл бунинг ғалвасини яхшироқ билса керак. Тақдирга буйсунмай илож йўқ, ҳаётда 4-5 марталаб оиласи бузилган аёллар бор. Демак унинг ҳужжатлари 5-6 фамилияда тўлдирилган. Вақти келиб нафақага чиқмоқчи бўлгандаги югур-югурни энди бир тасаввур қилиб кўринг-а. Ёки фамилияси уч-тўрт марта ўзгарган аёлга отасиданми, онасиданми катта мерос қолди, дейлик. Бюрократ нотариусга ўша мерос соҳиби эканлигини исботлаб кўрсин-чи. Йигирма-ўттиз йил олдинги қоғозларни қидириб топишга тўғри келади. Агар улар топилса-ку, майли, иш битгач, ҳаммасини унутар, аммо топилмаса-чи?

Шуларни ўйлаб, эрнинг насабига ўтиш ортиқча ташвиш экан, деган хулосага келасан киши. Аммо Нодира Умарова бу фикримизни унчалик маъқулламади.

— Одамига тушсангиз «қоғоз» ғалваси барибир пайдо бўлаверади, — дейди у, — Масалан, эрининг молига меросхўрлик қилмоқчи бўлган, фамилияси бошқа аёлни сарсон қилишларига, фамилияси ҳар хил она-бола муносабатларидан чалкашликлар топиб қийнаганларига кўп бор гувоҳ бўлганмиз. Ҳамма гап идораларда малакасиз, қонунлардан бехабар ходимлар ўтирганлигида. Агар мавжуд қонунлар бўйича иш олиб борилса, насабни ўзгартириш-ўзгартирмасликнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Фуқароларнинг талабларини осонгина ҳал қилиш мумкин.

Нодира опанинг гапларини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Қолаверса, мақола бошида таъкидлаганимиздек, ўз насабини белгилаш фуқаронинг шахсий ҳуқуқи. Аммо ҳуқуқини билган одам охиригача билиши керак-да. Аллақандай қоғозбознинг баҳоналарига алданиб қийналмаслик ана шунга боғлиқ. Кўпол бўлса ҳам, халқимизда «Ахмоқ оёғидан қарийди», деган гап бор. Ҳақ-ҳуқуқимиз учун кураша билмасак ҳамма айбни бировга ағдармаслигимиз лозим. Бола йиғламаса, ҳатто она ҳам сут бермайди, ахир.

Биргина ўтган йили Тошкент шаҳрининг С.Раҳимов туманида никоҳ пайтида эрининг фамилиясига ўтган 28 аёл қизлик фамилиясига қайтиш учун ариза берган. Шундан атиги 2 нафари ажралишдан сўнг, қолганлари эса ҳар хил муаммолар туфайли (11 нафари ўша муаммони кўрсатмаган). Агар бу аёллар ўз ҳуқуқларини мукаммал билганларида эди, муаммони фамилия ўзгартирмасдан турибоқ ҳал қилиш учун курашган бўларди.

Нодира опа яна бир воқеани айтиб берди: Араб мамлакатларига кўп бориб-келиб турадиган бир аёл фамилиясини олиб ташлаб, насабини фалончи писмадончи қизи шаклида ёзиш учун ариза берди. Биз бу талабни сўзсиз қаноатлантирдик. Аммо паспорт бўлимидагилар уни қайтариб юборибди. Ҳужжатдаги «фамилия» деган жойига нима ёзамиз, бунақа бўлиши мумкин эмас, дейишганмиш.

Тўғриси, бунга ўхшаш воқеа менинг ҳам бошимдан ўтган эди. Ўғлимга туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома олиш учун ФҲДЁ бўлими ходимаси билан узоқ тортишишга тўғри келган. Менинг талабим бўйича Улуғбек Тошниёз Нурбек ўғли шаклида ёзилиши керак эди. Гувоҳнома қоғозидаги «Фамилияси, исми, отасининг исми» тартиби бўйича эса Тошниёз Улуғбек Нурбек ўғли, деб ёзишга тўғри келади. Тошниёзов Улуғбек Нурбекович тартибида ёзишга ўрганиб қолган ходима учун бу ғалати эди, албатта.

Шу икки воқеадан бир фикр туғилади, ҳужжат қоғозларида насабни қайд қилишнинг «Фамилияси, исми, отасининг исми» шаклидан воз кечиш пайти келибди. Агар насаб ёзиладиган чизиқ тагига қавс ичида (исм-шарифи) деб ёзиб қўйилса етарли. Ота-боболар исмидан фарқлаш учун эса ҳужжат эгасининг исмини, масалан, катта ҳарфлар билан ёзиш мумкин. Бу мулоҳазаларимиздан мақсад эса фақат яхшилик. Яъни, ҳуқуқларни қоғозларга мослаштиришдан қутулиб, қоғозларни ҳуқуқларга бўйсундиришдир.

Мақоламиз сўнггида ижозатингиз билан яна дастлабки муаммога қайтиб, туғуруқхонадан чақалоқни гувоҳномасиз чиқармаётган дўхтирларимизга «Никоҳ ва оила Кодекси»нинг 227-моддасини эслатиб қўйсак: «Бола туғилганлиги ҳақидаги ариза бола туғилгандан кейин бир ойдан кечикмай... берилиши шарт».

Ҳурматли ўқувчи, йўлингиз тушса туғуруқхона ходимларидан сўраб кўринг-чи, улар биз билмаган қайси қонунга асосан юқоридаги муҳлатни қисқартиришга журъат қилишяпти экан?

Нурбек ТОШНИЁЗ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Нурбек ТОШНИЁЗ — газетамизнинг «Парламент ҳаёти ва ҳуқуқ» бўлими мудири вазифасида иш бошлади.

У ўзининг ҳуқуқий мавзудаги долзарб мақолалари билан бир неча йилдан буён республика матбуотида фаол иштирок этиб келмоқда.

ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ

Мана неча кундирки, бошқалар қатори мен ҳам республика Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йилда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш якунлари ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётини 1998 йилда ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларига бағишланган, шу йил 25 февралда бўлиб ўтган, мажлиснинг таъсири остидаман.

Ота-боболаримиз орзиқиб кутган миллий истиқлол шарафига муяссар бўлган халқимизнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилаётгани, янги давлат, янги жамият, янги ҳаёт қураётганлигига олти йилдан сал кўпроқ вақт ўтди. Мустақилликнинг илк дамларида айрим юртдошларимизда «Энди қандай яшаймиз?», «Саноат молларининг аксариятини, ҳаттоки дон, гўшт, сут маҳсулотларининг талай қисмини бошқа республикалардан келтираётган Ўзбекистон мустақил яшай олармикин?», «Биз миллий давлатчиликни ҳавас қилиб хатога йўл қўймаяпмизми?» қабилидаги ташвишу гумонлар бўлганлиги сир эмас.

Советлардан кейинги маконда пайдо бўлган баъзи бир мустақил давлатларда «карахт қилиб қўйиб, даволаш» усули шоша-пиша жорий қилинаётган, митингбозлик ва кўча намойишларини демократияга ўтиш, деб тушунаётган бир вақтда, Москвадаги айрим, катта оғаликка даъвогар, журналистлар Ўзбекистон раҳбариятининг шарқона мулоҳаза ва вазминлик билан мамлакатнинг ўтмиши, ҳозирги аҳволи, хусусият, салоҳият ва имкониятларини чуқур таҳлил қилиб, тараққиётнинг миллий моделини танлаш устида иш олиб боришини кўриб, республикамизни поезддан ажралиб қолган вагонга ўхшатгани ҳали эсимиздан чиққани йўқ. Халқимизнинг ташқи қарзлар ва хорижий доираларнинг хайру-эҳсони эвазига эмас, балки, ўз ақл-идроки ва меҳнати билан эсон-омон яшаётганини, ўзбек «Нексия»лари Москва шоҳкўчаларида юраётганини кўрган шоввозлар энди нима дер эканлар?

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги муҳокамадан чиқариладиган биринчи муҳим хулоса шуки, Ўзбекистон танлаган тараққиётнинг ўзига хос йўли биз учун энг тўғри ва мақбул йўл экан. 1997 йилда олиб борилган ишлар якуни бозор ўзанларига босқичма-босқич кўчаётган Ўзбекистон макроиқтисодиётида барқарорликка эришганлиги, ўсиш учун ишончли замин яратилганидан далолат бермоқда. Ўтган йил давомида ишлаб чиқариш ҳажми халқ хўжалигининг барча соҳаларида, 1996 йилга нисбатан, сезиларли даражада ўсиб, саноатда 106,5, қишлоқ хўжалигида 105,8, қурилишда 102,6,савдода 112,7 фоизга тенг бўлди. Хусусан, нефть, газ қазиб олиш ва уларни қайта ишлаш, автомобилсозлик ва ранг-

1

ли металлургия саноати жадал суръатлар билан ривожланиб, локомотив сингари, бошқа тармоқларни тортиб бормоқда. Шундай ҳаракатлантирувчи омил бўлмаса, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилишини 11,2 фоизга кўпайтириб бўлармиди?

Мамлакатимиз бўйлаб саёҳат қилсангиз кўплаб янги иншоотлар, янги қурилишларга кўзингиз тушади. Фақат ўтган йилнинг ўзида Қўқдумалоқ компрессор станцияси, Бухоро нефтни қайта ишлаш, Янгийўл биокимё заводлари, Фарғона кимёвий толалар заводи таркибида полиамид цехи, Қўқон спирт ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошлоқ ип йигирув фабрикаси ва бошқа ўнлаб катта-ю кичик корхоналар ишга тушди. Иқтисодиётимиз тузилмасида муҳим ўзгаришлар юз бермоқда, жаҳон талабларига яраша, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши кўпайиши натижасида импорт миқдори бирмунча камайиб, четга тайёр маҳсулот сотиш ҳажми анча ошди. Дунёнинг 78 мамлакатига жўнатилаётган молларимиз орасида тайёр маҳсулотлар — автомобиллар, кийим-кечак, кимёвий тола, нефть маҳсулотлари улушининг кўпайганлиги мақтовга сазовордир. Энг муҳими, мамлакатимизнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллиги учун жиддий аҳамиятга молик нефть ва нефть маҳсулотлари бўйича мустақиллик қўлга киритилди!

1997 йилда ислоҳотларни изчиллик билан амалга ошириш туфайли яна бир сифат ўзгариши юз берди — мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот 5,2 фоизга ўсиб, биринчи марта, аҳоли сони ўсиши даражасидан юқори бўлди.

МДҲ давлатларининг қайси бири бундай ижобий ўзгаришлар билан мақтана олади? Уларнинг айримларида ҳам ортда қолган йилда иқтисодий ўсишга эришилганлиги рост. Лекин сал диққат билан қарасангиз, уларда ўсиш ишлаб чиқариш энг паст даражага тушган кейинги йилларга нисбатан

2

эканлигини тушунасиз. Ваҳоланки, Ўзбекистонда у тараққиёт янги босқичи бошланиши арафасидаги 1990 йил кўрсаткичлари билан таққосланмоқда. Спортчиларнинг бири масофанинг бошидан, иккинчиси ўртасидан, яна бири охирги қисмидан югуришни бошласалар-у, кейингилари ҳам совриндорлар қаторидан ўрин эгалласа, адолатдан бўладими? Йўқ, албатта.

Ўтган йил якунларига доир яна бир туб моҳиятли хулоса шундан иборатки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижтимоий йўналтирилганлиги яна бир бор тасдиқланди. Ҳукуматимизнинг аниқ йўналтирилган ижтимоий муҳофаза сиёсати, Оила йили тадбирларининг ўтказилиши туфайли аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадларига 30 миллиард, газлаштириш ва тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш ҳамда соҳанинг бошқа эҳтиёжлари учун 34 миллиард сўм маблағ қаратилди, 6,7 миллион квадрат метр уй-жой, кўплаб мактаб, тиббиёт ва спорт-соғломлаштириш масканлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу билан ушбу масалаларда муаммоллар қолмади, барча қийинчиликлар бартараф этилди, дейишдан йироқмиз. Бироқ, инсоф юзасидан ёндошилса, мураккаб ўтиш даврини бошдан кечираётган мамлакатимизда ушбу соҳаларда инқироз ё тушкунлик эмас, балки, ривожланиш, олға қараб ҳаракатланиш мавжудлигини тан олиш даркор.

Ислоҳотлар жараёнида юз бераётган яна бир қувонарли ижобий нарса шуки, бунёдкорлик ишлари бутун мамлакат бўйлаб қанот ёзмоқда. Ўзбекистоннинг маркази ва барча ҳудудларида қад кўтарган кўплаб янги корхоналарга қурилиши давом этаётган Қорақалпоғистон Республикасидаги Кўнғирот сода заводи, Навоий вилоятидаги Қизилқум фосфорит комбинати, Самарқанддаги тамаки фабрикаси, барпо қилинаётган турли бошқа корхоналарни ҳам қўшсак, бутун республикамизнинг улкан қурилиш майдонига айланганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Булар кўплаб ҳаридоргир маҳсулотлар, экспорт имкониятларининг кенгайиши, қўшимча иш жойлари, минглаб оилалар фаровонлиги, ижтимоий инфратузилманинг ривожланиши, шаҳару қишлоқларимизнинг обод бўлиши эмасми?! Ислоҳотлар туфайли республикамизда мулкий муносабатларнинг тубдан ўзгараётгани, мулкдорлар синфи шаклланаётганлиги ҳам ҳақиқатдир.

3

1997 йилда собиқадамлик билан амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ислоҳотлар билан уйғунликда жамиятни маънавий янгилаш борасида йирик қадамлар қўйилганлиги (халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш, кадрларни тайёрлаш ва жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга доир миллий дастурларнинг қабул қилиниши ва бошқалар) ҳам кўпчиликка маълум.

Хуллас, ўтган йилда мамлакатимиз босиб ўтган йўл самарали бўлди, ислоҳотларни янги поғонага кўтариш учун замин тайёрланди.

Бироқ, қояларнинг ҳам сояси бўлганидек, ислоҳотларга халақит бераётган, бунёдкорлик ишларининг самарадорлиги пасайишига сабаб бўлаётган камчилик ва нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Бу ҳақда йил якунларига бағишланган мажлисда далил ва рақамлар билан, ишонарли қилиб гапирилди, ҳар бир камчиликнинг сабабларини кўрсатиш билан бир қаторда уни бартараф қилишнинг йўл ва воситалари ҳам кўрсатилди. Мен улар тўғрисида, ўйлаб, ўзимча, аксари камчиликларнинг асосий сабаби кўпгина раҳбарларнинг бозор иқтисодиёти талабларига мослаша олмаётганликларида, деган хулосага келдим. Корхоналарнинг давлат тасарруфидан чиқарилиб, акциядорлик жамиятларига, ширкатлар уюшмаларига айлантирилгани билан уларнинг бир қисми зарарига ишласа, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар омборларда чириб ётса, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ошиб-тошиб кетган бўлса, бунинг нимасини бозор иқтисодиёти дейиш мумкин?

4

Менда **таклиф** *бор*

БАЙРОҒИМИЗ РАМЗИ ТУШИРИЛСА...

Ручка-қаламнинг кашф қилиниши инсон тафаккурининг буюк ҳосиласидан бири десак муболаға бўлмас. Бироқ, қанчалик ривожланиш ёки техника тараққиёти бўлмасин, ручка билан қаламнинг аҳамияти ортса ортяптики, камаймаяпти. Умуман, инсон қўлида бундай қуроли-ашё бўлмаса, дунё тарихини яратиш ҳақида ўйлаб кўриш ҳам амри маҳол, деяверинг. Қолаверса, ҳар қандай «юкни» кўтаришга қодир оқ қоғоз қораланармиди. Зеро, қалам ва ручканинг қулайлиги тобора ортмоқда. Энди у ардоқланиб киссаларда сақланади. Ҳатто турли мамлакатларга сайр чоғлари ўша юртдан эсдалик учун совға тариқасида ручка ҳам харид қилинади. Шундай экан, нима учун мана шундай бежирим, ёзиш учун қулай қилиб ишланган ручкалардан бирига мовий-яшил Давлат байроғимиз рамзини безак сифатида туширишнинг иложи бўлмаса? Агар шундай қилинса, Ватанимизга келаётган сайёҳлар, мутахассис ва ишбилармонлар бундай кўркам ручкалардан совға тариқасида харид қилишиб, ўз юртларига олиб кетар эдиларки, бу билан жойларда юртимизга бўлган қизиқиш яна бир карра ортарди.

Зафар УМАРОВ.

Хатлар, хатлар, хатлар

«ХОМ АШЁ» ЭМАС, ХОМАШЁ!

Кутубхонада турли газета тахламларини кўздан кечираётиб «арзимас» хатоликка кўзим тушди: хомашё сўзи «хом ашё» тарзда ёзилаверган экан. Мусаҳҳиҳнинг хатоси бўлса керак, десам, бошқа тахламлардаги газеталарда ҳам шу хатолик такрорланган. Мамлакатимиз хомашёга сероб бўлса, у ҳақда бот-бот ёзилиши табиий...

Таассуф билан бош чайқаб ўтирганимни кўрган бир таниш-роқ чеҳра «Тинчликми?» дегандек им қоқди. Газеталардаги хатоликларни у кишигаям кўрсатдим.

— Нимасини хато деяпсиз? — Пичирлаб сўради у киши. Фикримни айта бошлаганим ҳамоно (охиригача эшитмай!) бош чайқади-да қатъий фикрини билдирди:

— «Хом ашё»ни билмайсизми?

— Алоҳида-алоҳида ёзилганда ҳар бири бошқа-бошқа маънони англатадиган сўзлар . Бирикиб — хомашё, тариқасида ёзилганидагина кутилган мазмунни англатади. Яъни, қайта ишланиши зарур бўлган ашёни билдиради. Масалан, пахта хомашёси, хомашё манбаи ва ҳоказо.

Акамиз ўзича «мот» қилди. Сумкасидан қалин муқовали китоб чиқариб кўрсатди:

— Мана, «Луғат»да қандоқ ёзилган...

«Фан» нашриёти томонидан 1976 йили чоп этилган «Ўзбек тилининг имло луғати» китоби. Чиндан ҳам унда «Хом ашё» тарзида ёзилган. ..

Ўз даврининг хатоликлари ҳақида устоз Абдулла Қаҳҳор ажиб бир гапни ёзган: «Шаҳардаги ҳамма соатлар беш минут илгари — нотўғри бўлса ва ҳамма шунга амал қилса, сенинг соатинг беш минут кейин — тўғри бўлганидан нима фойда?!»

Бизда эса хатоликлар давом этмаслиги зарур эди! 1976 йилдаги қандайдир хатолик 1981 йили жуда тўғри тузатилган! Яъни, икки томли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» китобида сўзларнинг нафақат ёзилиш тартиби, ҳатто маъно-мазмуни ҳам атрофлича изоҳланган. Ўша китобнинг иккинчи томи 330-бетида «Хомашё» сўзи қандай пайдо бўлганигача ёзилган.

Тўлқин ЭШБЕК.

НАҲОТКИ, ШУ ГАП РОСТ БЎЛСА?

«Камолот» жамоа хўжалиги тасарруфидаги қўшни қишлоқ газлаштирилиб, биз томонга ҳам газ қувурлари тортиш бошланган эди. Афсуски, бу қурилиш узоққа чўзилмай тўхтаб қолди. Сабабини сўрасак, муттасаддилар мужмал гап айтишдан нарига ўтишмаяпти.

Бутун қишлоқ аҳли бунга ҳайрон.

Хўжалик раҳбарларига нега ҳаракат қилмайсизлар десак, газлаштириш идорасининг остонасига қуруқ қўл билан ҳатлаш қийинроқ, дегандай қилишади. Наҳотки шу гап рост бўлса?

Эшитишимизча, вилоятимизда ҳар йили 300-350 километрлик газ қувурлари ётқизилармиш. Ажабмас, бизнинг қишлоқ ҳам шу улкан ишлар ўрамида қолса.

Қумқўрғон туманидаги «Камолот» хўжалигининг Хўжақишлоқ маҳалласида яшовчилар:
Умбар ХОЛОВ,
Ҳаким АРАБОВ.

«ЯХШИ БЎЛИБ КЕТАСИЗ»

Одамлар орасида

Хатирчи туман марказий шифохонасига кириб бораётганимизда эшикдан чиқиб келаётган аёл ўз-ўзича «Умрингдан барака топ, болам. Қўлинг дард кўрмасин» деб чиқиб кетаётган экан.

— Ким ҳақида гапиряпсиз, опа? — сўрадик.

— Шавкатжонни. Ҳалиги Бўриев борку, танийсизми?

— Хўш-хўш.

— Худди ўша-да. У туман марказий шифохонаси бош ҳакими бўлиб келгандан бери ҳамма уни алқайди. Қўли ишда, кўнгли сизда, тили «яхши бўлиб кетасиз»да. Бировнинг кўнглини ранжитмайди. Бирорта бемор бу ердан нолиб кетмайди.

Опа билан хайрлашиб, шифохона биносига кирдим. Олдимдан чиққан ҳамширага ўзимни таништириб, нима мақсадда келганимни айтдим. Ҳамшира қўлимга оқ халат тутқазди, бош ҳаким ҳозир кўрик қилаётганини, бироз кутиб туришимни сўради. Шундан сўнг шифохонанинг ички хоналарига кўз ташладим. Кираверишда йўлакчага гилам тўшалган. Юмшоқ ўриндиқлар жойлаштирилган. Деразаларга оқ парда тутилган, гуллар, деворга осилган соат, буларнинг ҳаммаси нозик дид билан безатилганлиги кўриниб турибди. Йўлакда беморларнинг у ёқ-бу ёққа юрганини кўрмайсиз. Ҳамширалар елиб-югуриб ишлаяпти.

Беморлар ётадиган хоналарга кирганимизда шинамлик ва озодаликдан кўнглимиз кўтарилди. Беморлар билан гаплашсак, ҳаммаси бир гапни айтади: «Бош ҳакимдан тортиб, ҳамшираларигача қилган хизматларидан хурсандмиз».

Бош ҳаким Шавкат Бўриевнинг ўзи келиб қолди. Хушмуомала, ҳазилкаш киши экан. Юриш-туришидан, мулоқотидан тиниб-тинчимас, ишчан эканлиги сезилиб турибди. Бирга қабулхонага бордик. Котиба қиз иссиқ чой келтирди. Суҳбатимиз қизигандан қизиди.

Шавкат ака туман марказий шифохонасига бош ҳаким бўлиб келганига ҳали кўп бўлмаган экан. Асли касби педиатрлик бўлиб, кўп йиллар судмедэкспертиза бюросида судмедэксперт бўлиб фаолият кўрсатган. У бош ҳаким бўлиб келгандан буён шифохонанинг анчагина қисми қайта таъмирланибди. Зарур тиббий асбоб-ускуналар сотиб олинган. Бир қанча хоналар қайтадан жиҳозланган.

— Беморларнинг тез соғайишида ётган хонасининг тоза ва чиройлилиги ҳам катта ёрдам беради, — дейди бош ҳаким.

Бу гап рост. Баъзан оддий бесаранжомлик ҳам беморни қаттиқ ранжитиши мумкин. Бемор соғайиб кетгунча унга ҳар тарафлама эътибор керак. Шавкат ака бу ерга ишга келган кундан тартиб- интизом ва тозаликка эътибор берди. Шифохонада малакали мутахассислар хизматини таъминлади. Ўзи эса ҳар куни беморлар аҳволидан хабар олиб туради. «Хавотирли жойи йўқ, яхши бўлиб кетасиз» деган гапни деярли ҳамма беморларга айтиб чиқади.

Бош ҳаким шифохонада амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб берди. Шавкат ака билан гаплашиб ўтириб, гоҳ кулги, гоҳ ҳазил, гоҳ жиддий оҳангда гапиришини кузатдим.

Суҳбат сўнггида Шавкат ака бироз жиддийлашиб:

— Соғлигингиздан шикоят йўқми? — деб сўраб қолди.

— Баъзида бошим оғриб туради, — дедим (дўхтирдан яшириб нима қиламан).

— Уйланганмисиз? —яна сўради бош ҳаким.

— Йўқ.

— Унда парво қилманг, ҳали кўрмагандай бўлиб кетасиз...

Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Бу йил мамлакатимизда Оила йили деб эълон қилинганлиги қувончли бўлди. Бинобарин, оила манфаати, унинг фаровонлиги келажаги буюк давлатимизнинг энг муҳим ижтимоий йўналишларидан биридир. Хонқа шаҳридаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг «Андалиб» фермер хўжалиги Болтабой Мадаминов бошлиқ оилага қарашлидир. Айни пайтда оила ихтиёрида уч гектар ер бор. Миришкорлар 1,5 гектар ерга қулупнайнинг серҳосил навини экишган. Қолган 1,5 гектар ерда эса шолидан йилдан йилга мўл ҳосил етиштиришаётир.

Оила бошлиғи Болтабой Мадаминов бундан 6 йил бурун Андижондан 10 минг дона Калифорния қизил чувалчанги олиб келганди. Айни пайтда 100 квадрат метр ерда чувалчанг боқиляпти. Шунинг қувончлиги, чувалчанглар кўпайиб ҳозир ҳар квадрат метр ерда 400 минг донага етди. Ишбилармон оила аъзолари ўғитни ҳам ўзларида етиштиришади. Яъни 15 бош қорамолни меҳр билан парваришлашмоқда.

Суратда: Болтабой Мадаминов бошлиқ оила аъзолари.

Ўктам ШАРИПОВ олган сурат.

«ҒАМХЎРЛИК» ФОНДИ ИШ БОШЛАДИ

Партия ахбороти

Ўзбекистон ХДП Каттақўрғон шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Ғамхўрлик» фонди ташкил этилди. У ўз низомига ва банкда ҳисоб рақамига эга.

Жамғармага тушган маблағ кам таъминланган оилаларга, ногиронларга, кексаларга ва бошқа турли тадбирларга сарфланади.

Шунингдек, партия сафида фидойилик кўрсатган партия фаолларининг юбилей саналарини нишонлаш ҳам «Ғамхўрлик» фондининг иш режасидан ўрин олди.

Ўсар АБДУРАҲИМОВ.

Косон туманидаги 232-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колоннанинг иқтисодий аҳволи тобора яхшиланиб бормоқда. Корхонанинг ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгани ишчиларнинг меҳнатга бўлган муносабатини тубдан ўзгартирди.

Кейинги уч йил ичида кўчма колонна қурувчилари Косон туманида 422 ва 204 ўринли иккита мактаб, замонавий автопавильон ва «Пахтабанк» биносини қуриб беришди. Бу йил эса ана шу банк ходимлари учун мўлжалланган 10 та қўш қаватли коттеж, Қарши шаҳридаги «Қашқадарё соҳили» санаторийси янги биноларининг қурилишини тугаллашни режалаштирган.

СУРАТДА: кўчма колонна бошлиғи И. Ганиев (ўртада), иш юритувчи А. Давронов ва ишчи З. Нуралиев қурилишда.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

ЭЛ МУЛКИГА

ёки «Қўқондонмаҳсулотлари» жуда катта миқдордаги талон-

Халқимизда нон нафақат егулик ҳисобланади, балки эзгулик, виждон, поклик рамзи сифатида ҳам қадрланади. Энг олий тилакларга ҳам, энг қаттиқ қасамларга ҳам нон гувоҳ қилиниши бежиз эмас. Бироқ шундай кишилар борки, улар айни шу муқаддас неъматни ўзларининг жиноятлари, тўймас нафсларини қондириш йўлида қурол қилиб олганлар. «Қўқондонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик жамиятига уя қуриб олган жиноий гуруҳ аъзолари ана шундай — нонга тупурган кимсалар эдилар... Ажабо, уларни бунчалик ҳаволаниб, виждон ва қонунни менсимай қўйишларига нима сабаб бўлди?

Валижон Қорабоев милиция ходими касбига номуносиб хатти-ҳаракатлари учун ишдан қувилган эди. Бироқ бу одам кўмса кўкариб чиқадиганлар хилидан экан. У «Қўқондонмаҳсулотлари» комбинати директори А. Сотволдиев кўмагида бир юмалаб шу корхона тегирмон мажмуининг бошлиғи бўлиб олди. Ҳолбуки, собиқ милиционер донни сақлаш ва қайта ишлаш технологиясининг кўчасидан ҳам ўтмаган эди. .. Аммо «ҳушёр» директор Қорабоевнинг давлат мулкини талон-торож қилишга устаси фаранглигини, унинг бу «феъли» ўзига қўл келишини сезган чоғи. Бўлмаса, кўп ўтмай унинг содиқ кишиси В. Турсуновни тайёр маҳсулотлар омбори мудири вазифасига, Қорабоевнинг жияни А. Ҳамроевни омбор мудири ёрдамчиси вазифасига тайинлармиди? Ҳаш-паш дегунча ёғни қумурсқа босгандай, Қорабоевнинг яна уч нафар жияни ва укасининг қайиноғаси ҳам тайёр маҳсулотлар омборида ишлай бошлашди. Омухта ем ишлаб чиқариш мажмуи бошлиғи лавозимига ҳам мутахассис бўлмаган Р. Сулаймонов та йинланди. Р. Сулаймоновнинг туғишган укаси А. Хўжаевга 5-силос корпуси мудирлиги, жияни С. Каримовга эса омухта ем тарозибони лавозимлари муносиб кўрилди. Хуллас, ака-ука, тоға-жиянлар корхонани барча «пултопар» жойларини эгаллаб олишди. Энди навбат корхонани кемиришга келган эди...

Тегирмончилар тилида «майда дон фракцияси» деб юритиладиган маҳсулот бор. Буғдойнинг оқшоғи ҳисобланган бу маҳсулот тегирмонда ун тортиш жараёнида буғдой донларининг янчилмай қолган майда парчаларидан иборат бўлади. Одатда буғдой оқшоғи омухта ем тайёрлашда ишлатилади.

Бир куни В.Қорабоев директорнинг олдига кириб:

— Бир фикр бор, - деб қолди.

— Хўш?

— Кўриб турибсиз, уннинг бозори жуда чаққон. Корхонада эса ҳисобда кўрсатилмай олиб чиқиш мумкин бўлган ун кўп...

Икковлон узоқ кенгаш қуришди. Охири қўл-қўлга урилиб, аҳдлашилди ҳам. Корхонадан ҳисобдан ташқари ун олиб чиқиб сотишнинг режаси ҳам барча «даҳо» ишлардай ўта жўн эди. Тегишли вазирлик 1992 йил 31 январда тасдиқлаган «Буғдойни қайта ишлаш ва турлари бўйича ҳамда шоли донини қиймати бўйича ҳисобга олиш туртиби тўғрисида»ги услубий тавсияномаларда тегирмоннинг дон тозалаш бўлимида «майда дон фракцияси», яъни оқшоқни ажратиб олиб, ундан омухта ем тайёрлашда хомашё сифатида фойдаланиш кўзда тутилган. Бироқ тегирмон мажмуи 1991 йили қайта тўла таъмирланган эди ва Швейцария ли-

1

ИШОНЧЛИ ЗАМИНИ

145 та саноат корхонасининг банкрот бўлиши, аграр секторда 662 та хўжалик йилни зарар билан якунлагани талай моддий зиён келтирибгина қолмай, балки ўз ишчи ва хизматчилари аҳволига салбий таъсир кўрсатиши, ҳаттоки, ислоҳотлар ишига иснод келтиришини уларнинг ношуд раҳбарлари ўйлаб кўрганмикинлар?

Бу масаланинг тагида яна бир муаммо борлигини, аччиқ бўлса ҳам, айтишга тўғри келади. Мен инқирозга учраган корхона ва хўжаликлар жамоа аъзоларининг фаоллик кўрсатмаганликлари, тақдирларини ўз раҳбарлари

5

улияти чекланган кичик корхона, пистон акциядорлик жамияти тугатилди, деган хабарларга кўзингиз тушади. Ё тавба, ахир булар яхши ниятлар билан яқинда ташкил этилган корхоналар эмасми, деб ёқангизни ушлайсиз. Албатта, бозор шароитларида рақобатга бардош бермаган, ўзини оқлайолмаган корхоналарнинг инқирозга учраши — табиий. Аммо, синган кичик корхоналарнинг барчаси шу сабабларга кўра тугатилдимикин? Ишбилармонларимизда бозор иқтисодиёти қонун-қоида ва талабларини яхши билмаслик, тадбиркорлик кўникмалари етишмаслиги уларнинг айримларини шу куйга тушуриб қўймадими?

Молиявий сабабларга кўра, масалан, кредитлар ололмасдан, қийналиб қолган кичик корхоналар йўқ эмас. Лекин, ички манбалар етишмаётган бир пайтда, хорижий кредитлардан фойдаланмаслик кишини ҳайратга солади. Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда келтирилган рақамларга эътибор беринг: кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш мақсадлари учун ажратилган 350 миллион АҚШ доллари миқдоридаги хорижий кредитлардан 1,5 миллиони ўзлаштирилибди, холос. Уларни мамлакатимизга келтириш учун республикамиз раҳбарияти озмунча ҳаракат қилдими? Нега бунинг қадрига етмаймиз, туғдирилган имкониятлардан фойдаланиб қолмаймиз? Бу саволларимиз нафақат ишбилармонлар, балки шу ишларга мутасадди давлат идоралари ва нодавлат тузилмалари раҳбарларига ҳам тегишли. Президент топшириғи билан ушбу соҳада йиғилиб қолган муаммолар ечимини топишга қаратилган аниқ таклифлар тайёрланиши ва яқин кунларда республика ҳукумати махсус қарорининг қабул қилиниши кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ишига қўшилган муҳим ҳисса бўлиши, шубҳасиз.

Мустақиллик йилларида қишлоқларимизда жиддий ўзгаришлар бошланди. Хусусийлаштириш жараёнида давлат хўжаликлари акциядорлик жамиятла-

6

рига айлантирилди, минглаб деҳқон (фермер) хўжаликлари тузилди, машина-трактор парклари ташкил қилинмоқда, далаларимизда илғор хорижий техника пайдо бўлди, маҳсулотни қайта ишлашни йўлга қўйиш масалаларига эътибор кучайди. Деҳқон ва чорвадорларимиз мураккаб шароитларда пайдо бўлган турли қийинчиликларни енгиб, кўплаб пахта, дон, картошка, қовун-тарвуз, мева, сабзавот, гўшт ва сут етиштирмоқдалар. Уларни биз бозорларимизда йил ўн икки ой харид қилишишмиз мумкин.

Лекин, Олий Мажлис ўнинчи сессиясида таъкидланганидек, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг асосий мақсади — **қишлоқда ҳақиқий мулкдорларни, мулк эгаларини шакллантириш йўли билан одамларнинг ерга, мулкка, меҳнатга муносабатини ўзгартиришга ҳали эришилгани йўқ.** Деҳқон ва чорвадор ўзини ернинг, молининг, от-уловининг, етиштирган маҳсулотининг ҳақиқий эгаси, деб ҳис этмас экан, унда бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ ишлаш учун рағбат бўлмайди. Раҳбариятимиз шуларни ҳисобга олиб ҳамда мамлакатимиз хусусиятларидан келиб чиқиб, қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш мақсадида, биринчидан, пайчиликни жорий қилиш, иккинчидан, меҳнатни ташкил қилишда тажрибада синалган оилавий пудратни кенг қўллаш, ниҳоят, жамоавий хўжалик юритишнинг ширкат шаклидан фойдаланиш, шунингдек, деҳқон (фермер) ва шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантиришга эътиборни кучайтиришни тавсия этмоқда. Ушбулар амалга оширилганда қишлоқда бир-бирини тўлдирувчи катта-ю кичик корхоналар тизими пайдо бўлишига, ҳақиқий мулкдорлар синфи шаклланишига, деҳқонларда манфаатдорлик ошишга аминмиз.

Фақат, бунга қачон эришилади, деб кутиб турсак, вақтни бой берамиз. Давлат бу оғир юкнинг каттагина қисмини ўз елкасига олаётир: қишлоқда ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари такомиллашмоқда, зарар билан ишлаётган хўжаликлар санация қилинмоқда, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, замонавий

7

Ислоҳот ва масъулият

қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга, уруғчилик ва наслчиликни замон талаблари даражасига кўтаришга алоҳида эътибор берилмоқда. Аграр сектор раҳбар кадрларини ўқитиш ва малакасини ошириш борасида ўтказилаётган тадбирлар ҳам шу ишлар сирасига киради. Энди ҳамма гап маҳаллий давлат ва бошқарув идоралари, хўжалик раҳбарларининг, қолаверса, барча деҳқонларимизнинг қишлоқни ислоҳ қилишга фаол иштирок этишларида! «Қарс икки қўлдан чиқади», деб бежиз айтилмаган. Агар қишлоқда ислоҳотларнинг бориши билан боғлиқ бўлган ҳамма томонлар аравани баравар тортсалар, кўрибсизки, унинг олдинга силжиши тезлашади, кўзланган маррага, албатта, етиб борилади.

Бозор муносабатларига ўтиш қийин ва мураккаблигини амалда кўряпмиз. Унинг жараёнида моддий манфаатдорлик асосида одамларга қанот пайдо бўлмоқда, самарали меҳнат қилишга ундовчи, рағбатлантирувчи омиллар кўпаймоқда ва, афсуски, шу билан бирга турли салбий ҳолатлар ҳам намоён бўлмоқда. Коррупция билан курашиш жамият олдида турган ўта муҳим масалалар қаторида турибди. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида кузатилаётган ушбу иллат билан муросасиз курашиш биз учун ҳам долзарбдир. Чунки, у мамлакатимизга иқтисодий, маънавий-ахлоқий ва ҳаттоки, сиёсий зарар етказмоқда. Давлатимиз раҳбариятининг коррупцияга қарши курашни кучайтираётгани таҳсинга лойиқ.

Тақдируломон ислоҳотларни амалга оширишда республикамизда фаолият кўрсатаётган жамоат ташкилотлари, сиёсий партияларнинг ўз ўрни борлиги аёндир. Чунончи, халқ хўжалигининг барча жабҳаларида меҳнат қилаётган Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоларининг ислоҳотлар боришига қўшаётган улушларини кўпайтиришлари лозимлиги билан бирга, бу йўлда учраётган нуқсонларни бартараф этишга фаол кўмаклашишлари даркорлиги ушбу партия Марказий Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган пленумида таъкидланди.

Ҳа, туб ислоҳотлар йўлидан олға силжиш — машақатли иш. 1998 йилда халқимиз олдида турган вазифалар, йўлбошчимиз Ислом Каримов айтганидек, янада катта ва мураккаб. Уларни бекаму кўст бажариш мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросидан эртанги кунга комил ишонч билан меҳнат қилишни, Ватан равнақи учун фидойилик намуналарини кўрсатишни тақозо этади.

Собир ҚУРБОНОВ.

8

ЕТТИ ЎЛЧАБ, БИР КЕС.
Ўктам ШАРИПОВ олган сурат.

БУНДАН 2000 ЙИЛ АВВАЛ ҲАМ...

Греция қадимшуносларининг ғаройиб топилмага дуч келишди. Улар Салоники шаҳрида қазилма ишлари олиб боришаётганда, бундан 2000 йил муқаддам ҳам бу ерда фоҳишахона бўлганлигини аниқлашди. Фоҳишахона ёнида қовоқхона ва ҳаммом бўлган. Қовоқхона ўрнидан топилган суяклар қолдиғидан шу нарса маълум бўлдики, у ерда организм қувватини оширувчи каклик, қирғовул, балиқ, умуман денгиз жониворлари пиширилган.

Ҳаммомда 25 та ванна, 2 та ховуз бўлган.

Мутахассисларнинг фикрича, Қадимги Грециядаги бундай «муассасалар» махсус инспекторларнинг назорати остида бўлган ва солиқ лар ўз пайтида тўлаб турилган.

ОЛХЎРИДЕК УЗУМ

Хитойнинг Чжэцзян вилоятига қарашли Цзиньхуа шаҳрида яшовчи бир гуруҳ қишлоқ хўжалиги олимлари узумнинг янги навини — дунёда энг катта узумларни етиштиришди. «Тонин —1055» деб ном олган бу янги нав мевасининг катталиги теннис коптогидек бўлиб, жуда «гўштдор» ва ўта мазалидир. Мевасининг таркибида 18,2 фоиз шакар моддаси бор, дея хабар беради «Хитой» журнали.

ТАБИИЙ ИҚЛИМГА МОС АВТОМОБИЛЛАР

Ҳиндистоннинг "Тата" автомобиль ишлаб чиқарувчи компанияси жорий йил март ойидан бошлаб ўз автомобилларини Жанубий Африка Республикасида йиға бошлайди. Компания вакилининг маълум қилишича, ЖАРда йиғиладиган юк машиналари ўзининг ҳар томонлама чидамлилиги билан мамлакат табиий иқлим шароитларига тўла мос келади.

ГЕРМОНЛАР АҚШ АВТОБОЗОРИНИ ЭГАЛЛАМОҚЧИ

Маълумки, Германияда автомобилсозлик саноати ҳам тараққий топган. Маълумотларда қайд этилишича, мамлакатдаги автомобиль ишлаб чиқарадиган концернлар ўтган йили биргина АҚШнинг ўзига 465 мингта енгил автомобиль сотган. Бу 1996 йилдагига қараганда 24 фоиз кўпдир. Уларнинг 14О мингтаси эса "Фольксваген" автоконцерни ҳиссасига тўғри келади. "Фольксваген"чилар жорий йилда бу кўрсаткични 2ОО мингтага етказишни мўлжаллашмоқда.

Мамлакатдаги "энг мўъжаз автозавод" ҳисобланган "Порше" концерни АҚШдаги спорт автомобилларига бўлган эҳтиёжнинг қарийб ярмини қондирар экан. Маълумки, "Порше" ўзининг замонавий спорт автомобиллари билан дунёда ном қозонган.

«ВОЛЬВО S-9О»ГА ТАЛАБ КУЧЛИ

"Вольво" концерни вакили Матс Эденбургнинг маълум қилишича, мазкур концерн Шарқий Европа ва Россия шаҳарлари ҳисобига ўз бозорини янада кенгайтирмоқчи. Бунга сабаб мазкур минтақада "Вольво" автомобилларига бўлган талабнинг йил сайин ортиб бораётганидадир. Шарқий Европа ва Россия учун биргина ўтган йилнинг ўзида 2 минг донадан кўпроқ автомобиль етказиб берилган.

Айниқса, сўнгги пайтларда "Вольво S-9О" русумли автомобилга талаб сезиларли даражада ортмоқда. Бу машина ташқи ва ички кўринишининг бежиримлиги билан харидорларни ўзига жалб қилаётир.

Мамлакатлар ҳаёти

ВАТАННИ СЕВГАН КАМ БЎЛМАС

Улкан тайёра парвозга шайланаркан дарчасидан термулганча бир гуруҳ қаламкашларга ҳомийлик қилиб араб дунёсига сафаримизни ҳозирлаганларни дуо қиламан. «Ўзбектуризм» миллий компанияси ҳамда «Фарғонатуризм» ҳиссадорлик жамияти раҳнамолигида уюштирилган сафаримиз хайрли бошланди. Сурия Араб Республикасининг Алеппо тайёрагоҳига қўнгунимизча қарийб етти минг километр йўл босибмиз. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ёзувли тайёрада парвоз чоғи Қизилқум чўллари, Каспий денгизи, Туркия соҳиллари ва кўплаб дарё, тоғлар кўз ўнгимизда намоён бўлди. Сурия ҳудудига қўниш чоғида ҳамкасбимиз Темур Низаевнинг «Араб дунёси манзаралари ўзимизнинг Қашқадарё ва Сурхондарёни эслатаркан» дейиши она-Ватанга бўлган меҳримизнинг ўзига хос дил сасидек туюлди.

Сурия ҳақида икки оғиз сўз:

Яқин Шарқда жойлашган. Ҳудуди — 185,2 минг квадрат километр, аҳолиси 18 миллиондан ортиқ. Асосан араблар ҳамда курд, арман, черкас, туркман, тожиклар ҳам яшайдилар. Пойтахти Дамашқ бўлиб аҳолиси 6 миллион киши. Давлат тили — арабча. Аҳолиси асосан мусулмонлардан иборат. Сурия жуғрофий жиҳатдан стратегик масканда жойлашган. Ўтмишда Буюк ипак йўлида муҳим ўрин тутади. Биринчи жаҳон урушигача Усмон империяси таркибида бўлган бўлса, 1920 йилдан Франция таъсирида бўлган. 1941 йил 29 сентябрда мамлакат мустақил деб эълон қилинган. Зеро, ҳақиқий мустақиллик 1946 йилнинг 17 апрели ҳисобланиб, бу кун миллий байрам тарзида нишонланиб келинмоқда.

Тайёрагоҳидаги баъзи расмиятчиликдан кейин бизга мамлакат «МИДА» сайёҳлик фирмаси раҳбари, айни чоғда «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг бош агенти Имод ал-Шайх Сулаймон бошчилик қиладиган бўлди. Шаҳар кўчалари бўйлаб борар экан-миз, у ерда машиналарнинг кўплиги, тезкорлиги бизга нотабиийдек туюлди. Гўё бу ерда ҳаракат қоидаларига риоя қилинмайдигандек эди. Бунинг устига йўл назорати ходимлари ҳам кўринмасди. Тўғри, йўл чироқлари липиллаб турибди-ку, унга эътибор деярли йўқдек. Аммо хайдовчилар чапдастлигига тан берасан киши. Машинани истаган жойида тўхтатиб, одам олиб, ё тушириб кетаверар эканлар. Муҳими, мижознинг кўнглини олиб, йўл ҳақига келишилса бўлди экан.

Алеппо мамлакат пойтахтидан кейинги иккинчи шаҳар ҳисобланади. Йирик савдо-саноат маркази. Бу ердаги гавжум дўконлар, мол тўла расталар кўзни қамаштиргудек. Муҳими, харидор кўнглини олишни билишади. Керак бўлса, чой-ю [illegible] ва ҳам таклиф қилишад[illegible] а сўзлашувни ҳам ўрганиб олишган. Дўконларнинг номлари ҳам русча ёзилгани ғайритабиийга ўхшайди. У ерда МДҲдан келган тижоратчи-ю сайёҳлар кўп. Юртдошларимиз ҳам кам эмас. Бойси Сурияда маҳсулот сифатига катта эътибор қилинади. Пойабзал ва трикотаж буюмларига талаб катта.

— Сурия нинг «МИДА» сайёҳлик фирмаси билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатганмиз, — дейди «Фарғонатуризм» бош директори Зафар Эргашев. — Сайёҳларга ҳар жиҳатдан маданий-маиший хизмат кўрсатиш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатларимиз самарали кечмоқда. Тадбиркорларга ҳамкорлар топишда ёрдам кўрсатилмоқда. Бу ердаги хусусий фабрика ва заводлар билан ўзаро алоқалар ўрнатилгани катта наф келтираётгани ҳам шундан.

ҚАЙТА ЖОНЛАНГАН ШАҲАРЛАР

Сурия қадимий диёр. Бу заминда турли динлар юзага келгани ҳам бежиз эмас. Зардуштийлар, яҳудийларга хос ёдгорликлар сақланиб қолгани ҳам шундан. Дамашқ яқинидаги Малюли қишлоғи бор. Таржимоннинг ахборотига қараганда, бу ерда ҳозир ҳам Исонинг қадимий арамий тилида сўзлашар эканлар. Яна эътиборимизни тортгани шу бўлдики, ёдгорликларда маданият, меъморчилик услублари ўзаро уйғунлашган. Алеппо қалъасини айланар эканмиз, юнон тош устунлари билан арабий ёғоч ўймакорлиги бир-бирини тўлдиргандек, нафосат касб этганини ҳис этдик.

Сурия ёдгорликларини ва тарихий обидаларини сақлаш жамиятида тарихий меросни сақлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди. Бу жамият ноҳукумат ташкилоти бўлса-да, бунга хос хайрли ишлари учун етарли экан. Турли ҳомийлар, тўқ фуқаролар бу жамият ҳисобига савоб учун маблағ ўтказиб турар эканлар.

Дер Аттиа шаҳарчаси ҳам бизда ажиб таассурот қолдирди. Бу ерда маҳаллий аҳолининг ўз ватанига бўлган меҳр-муҳаббатини кўриш мумкин. Маълум бўлишича, 30-йилларнинг бошларида бу шаҳарча ҳувиллаб қолган. Чашмалари қуриган. Одамлар ташлаб кетишган. Аммо, бу ерда истиқомат қилганлар қаерда макон топишмасин, улар ўртасидаги азалий риштаклар сақланиб қолган экан. Тадбиркор, муҳими меҳнатсевар бўлганликлари боис, ишлари юришиб кетган. Бой-бадавлатликни ҳис этган бу шаҳарча аҳолиси кийдик қонлари тўкилган ўша гўшани сира унутолмаганлар. Шунда улардан бири ўзлари камол топган шаҳарчага яна жон ато этишга аҳд қилади. Кўпчилик уни қувватлайди. Яна оби-ҳаёт яратиш, қудуқлар қазиш, 50-60 метр чуқурликдан сув чиқариш йўлга қўйилади. Уй-жойлар, қасрлар, мачитлар қурилади, эскилари таъмирланади. Бутун бошли спорт мажмуи барпо этилиши саломатлик йўлидаги ғамхўрлик нишонасига айланган. Ҳозир тўрт қаватли замонавий касалхона эшиклари очиқ. Қизиғи шундаки, бундай бунёдкорлик ишлари ҳаммаси бизнингча ҳашар ёки уларнинг ўз маблағлари ҳисобига вужудга келтирилгани ҳайратланарлидир, албатта. Шундай қилиб, ўлик шаҳарга айланган маскан яна эртаксимон гўшага айланган.

Биз қаерда бўлмайлик, нимани кўрмайлик ўз Ватанимиз билан қиёслашга ҳаракат қилардик. Она юртимиз фазилатлари кўнглимизга шуур бахш этарди. Шуни айтсалар керак-да, мусофир бўлмагунча, мусулмон бўлмайсан, деб. Бундай пайтларда Ватанни севмоқ иймондандир, деган ҳадисий каломнинг маъзига етгандай бўлар экансан.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.
Дамашқ—Алеппо—Тошкент.

ХИЁНАТ

ҳиссадорлик жамиятида рўй берган торожлик ҳақида

цензияси асосида ишланган юқори унумли дастгоҳлар ўрнатилганди. Бу усулда дон тозалаш бўлимининг технологик жараёни «майда дон фракцияси» ажралиб чиқишига мутлақо йўл қўймас эди. Бироқ бошқарувни қўлга олиб, корхонада жиноий уюшган гуруҳ тузган В. Қорабоев, А. Сотволдиевлар юқоридаги тавсияномаларда кўрсатилган тартибда маълумотномалар тузишга киришганлар. Гўё, дон тозалаш бўлими капитал таъмирлашдан кейин ҳам аввалгидай усулда ишлаяпти ва буғдой оқшоғи ҳамон тонналаб чиқиб ётибди! Ҳолбуки, элеватордан тегирмонга қабул қилинган буғдой тўлиқ ишланиб, ун омборга, ажратиб олинган кепакнинг бир қисми харидорларга, бир қисми тўппа-тўғри омухта ем ишлаб чиқариш цехига, қолган чиқинди эса чиқиндилар омборига топширилиши керак эди.

В.Қорабоев ўз атрофига йиққан жиноий уюшган гуруҳ аъзоларига сохта ҳужжатлар тўлдириш йўли билан ўзгалар мулкини талон-торож қилишдаги ролларини тақсимлаб берган. Чунончи, жиноий уюшма аъзоси К.Аҳмаджонов аслида йўқ «майда дон фракцияси»ни ажратиб олинди, дея ҳужжат расмийлаштиради ва уни 5-силос корпуси омбори мудири А.Ҳўжаевга топширилди, дея кўрсатади. А.Ҳўжаев ўз навбатида бу ҳужжатларга имзо чекиб, тегирмон цехи бошлиғи В.Қорабоевдан «майда дон фракцияси» олганлиги ҳақида қалбаки ҳисобот тузади. Ҳатто директорнинг сифат бўйича ўринбосари А.Лученко сохта товар-транспорт ҳужжатларига «майда дон фракцияси»ни... лаборатория таҳлилидан ўтгани ҳақида қалбаки ёзувлар киритади. Аслида А.Ҳўжаев Қорабоевдан ҳеч қандай ҳужжатсиз қисман кепак ва дон чиқиндисидан иборат аралашма қабул қилган, холос. А. Ҳўжаев энди аслида йўқ «майда дон фракцияси»ни ўз акаси — омухта ем мажмуи бошлиғи Р.Сулаймоновга топширади ва акаси уни қабул қилиб олади. Албатта, бу ишлар фақат қоғозда рўй беради. Бироқ, минглаб тонна «майда дон фракцияси»ни қабул қилиб олган шунча миқдорда омухта ем ишлаб чиқариши керак-ку? Бунинг йўли ҳам топилади. Р.Сотволдиев омухта емни истеъмолчиларга сотиш жараёнида тарозидан кўп миқдорда уриб қолиш эвазига мавжуд камомадни тўлдира боради...

Жиноий гуруҳ шу тариқа жуда кўп миқдордаги ўғрилик ва талон-торожни бошлаб юборади. Ҳар куни ғайриқонуний равишда ҳисобдан чиқарилган буғдойдан тонналаб ун чиқади. Жиноий гуруҳга мансуб ходимлар ва ишчилар ҳар бир иш сменасида ун қоплаш ярим автомат ДВМ-50 тарозиси ҳисоблагичларини 100-200 қопча камайтириб қўйишади. Тегирмондан чиққан ун ва бошқа дон маҳсулотларини қайд этиш журналида 5-10 тонна ун, 1-2 тонна кепакни кам кўрсатишади. Натижада ҳосил бўлган 100-200 қоп ортиқча унни корхонадан олиб чиқиш эса дарвоза олдида кеча-ю кундуз эл мулкини муҳофаза қилиб, хушёр туриши лозим бўлган Қўқон шаҳар идорадан ташқари соқчилик бўлими ходимлари... кўмагида амалга оширилади! Яъни қоровуллар жиноий гуруҳ олиб чиқаётган юкларнинг товар-транспорт ҳужжатлари нусхаларини дарвозахонадаги тегишли дафтарга қайд этмай ва муҳрланган қутига ташламай, то ўғрилик унни маълум жойга тушириб қайтиб келишгунча ўзларида сақлаб туришади. Худди шу ҳужжат билан эса яна бир карра 5-10 тонна ун олиб чиқариларди.

Жиноятчилар шу тариқа 1992 йилдан 1996 йил январига қадар 17867,3 тонна буғдойни «тежаб» қоладилар ва бу миқдордаги дондан 13646,2 тонна ун маҳсулотлари, 3782,1 тонна кепак ва 549,1 тонна дон чиқиндиси ишлаб чиқарадилар. Албатта, ўз хусусий корхоналарида эмас, балки «Қўқондонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти дастгоҳ ва ускуналаридан фойдаланиб, минглаб кишилар, чорва моллари ризқини қийиб! Шу йиллар давомида жиноий гуруҳ аъзолари юқоридаги маҳсулотларни республика ҳудуди ва ундан ташқарида 350 миллион 653 минг 358 сўмга сотадилар! Жарақ-жарақ ҳаром миллионлар ҳамёнларини қаппайтирган бу «ишбилармон»лар не ажабки, шунча бойлик билан ҳам кифояланишмайди. Улар ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан корхонанинг жуда кўп миқдордаги асосий восита ва асбоб-ускуналарини ҳисобидан яшириб, талон-торож этадилар. 1992 йилдан 1996 йилнинг январига қадар жиноий уюшма раҳбари В.Қорабоев раҳнамолигида корхонада жами 30424269 сўмлик 103 турдаги 1587 дона асосий восита, ускуналар ва уларнинг қисмлари талон-торож қилинган.

Лекин мустақил Ўзбекистонда қонун чегараларидан ташқарига чиққан киши албатта жазога мустаҳиқдир. Ҳаром-хариш пуллар эвазига қўша-қўша машиналар олиш, шоҳона уйлар қуриш, олтин-кумушларга безаниш охири ниҳоясига етди. Қилни қирқ ёрадиган ҳуқуқ-тартибот идоралари олиб борган ўта жиддий, синчковлик билан ўтказилган суриштирув, тергов ишлари якунланиб, айбдорлар суд қилинди. Фарғона вилоят суди «Қўқондонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик уюшмаси раиси А.Сотволдиев ва тегирмон мажмуи бошлиғи В.Қорабоевлар бошчилигидаги жиноий гуруҳ аъзоларининг ишини кўриб чиқиб, В.Қорабоевни олий жазога, А.Сотволдиевни 20 йил, жиноий гуруҳнинг қолган 38 нафар аъзосини 13-18 йилданга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарди. Судланувчилар жиноий йўл билан топган қатор енгил автомашиналар, минглаб АҚШ долларлари, қирғиз сомлари, акциялар, ўзбек миллий пуллари, олтин безаклар мусодара қилинди. Текин топганники тешиб чиқади, дея шуни айтсалар керак-да.

Юнус АБДУЛЛАЕВ,
Фарғона вилоят прокурорининг ўринбосари,
адлия катта маслаҳатчиси.

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

Қимтиса ўтади осмонда қушдан,
Белига ярашган карк қубба пуштан,
Ҳеч камлик бўлмаса йўрға юришдан,
Асл тулпор экан ўзбакнинг оти.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР, ЭШИТГАНЛАР ҚОЛМАНГЛАР!

Шу йилнинг 14 март куни эрта тонгдан Навоий вилояти Хатирчи тумани «Олтинсой» жамоа хўжалигида «Алпомиш» достони яратилганининг 1000 йиллигига бағишланган

Бедов миниб, от-абзалинг шайласанг,
Пойга қилиб кўп шумликни ўйласанг,
Пойганинг бошида тортиб бойласанг,
Ўн беш кун илгари берман ҳайдасанг,
Барибир ўзади ўзбакнинг оти!!!

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ», «ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА», «ОСИЁ БОЗОРИ»

газеталари соврини учун республика кўпкари мусобақаси ўтказилади. Мусобақада мамлакатимизнинг Алпомишсифат чавандозлари беллашадилар. Бойчибормонанд тулпорлар кўпкарига киради.

АРМОНДА ҚОЛМАЙ ДЕСАНГИЗ, КЎПКАРИГА ШОШИЛИНГ!

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА.

Спорт

ТОШКЕНТДА ХАЛҚАРО УЧРАШУВЛАР

Маълумки, бу йил ўсмирлар ўртасида Осиё футбол чемпионати ўтказилади. Осиё футбол конфедерациясининг розилиги билан 6-гуруҳдаги саралаш учрашувлари Тошкентда ўтказиладиган бўлди. Ироқ, Бутан, Мальдив ва Ўзбекистон ўсмирлари ўзаро учрашадилар. Гуруҳ ғолиби кузда кучли ўн жамоа билан финал ўйинларида қатнашади.

ЁШЛАР БЎШ КЕЛИШМАДИ

Россияда бокс бўйича ўтказилган халқаро мусобақада Европа ва Осиёнинг етти мамлакатидан тўпланган ёшлар ўзаро баҳслашдилар. Навоийлик Фарҳод Жуманазаров билан бухоролик Жамол Иброҳимов кумуш медалли бўлишди.

«ФАРҲОД БОЗОРИ» ОТҲЖ ҲИССАДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ 1998 ЙИЛ 13 АПРЕЛЬ КУНИ СОАТ 11 00 ДА БЎЛАДИ.

КУН ТАРТИБИ:

I. «Фарҳод бозори» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг 1997 йил хўжалик молиявий иш якунлари ва 1998 йил иш режалари бўйича ҳисобот ҳамда 1998 йилга режалаштирилган даромад ва харажатлар сметаси бўйича ахборот.

II. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва аудитор текширув хулосаси.

III. «Фарҳод бозори» ҳиссадорлик жамияти соф даромадини тақсимлаш ва ундан фойдаланиш тартибини белгилаш.

IV. 1998 йил режалаштирилган даромад ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.

V. Кузатув кенгаши таркибига қўшимча аъзоларни сайлаш.

VI. Тафтиш комиссиясини қайта сайлаш.

АКТИВ		ПАССИВ	
Номлари	**Миқдори (минг сўм)**	**Номлари**	**Миқдори (минг сўм)**
I. Асосий активлар		1. Хусусий айланма маблағ манбалари	
а. асосий маблағ	1142,7	а. низом капитали	7785,9
б. капитал маблағ	90,0	б. ёрдамчи капитал	3213,5
		в.тақсимланмайдиган фойда	1062,3
Жами:	1232,7	Жами:	12061,7
II. Айланма маблағ активлари.		II. Мажбуриятлар	
а. ишлаб чиқариш заҳиралари ва унинг фойдаланиши	51,6	а. Қарз берувчилар билан ҳисоб-китоб	4943,8
б. пул маблағлари	4049.6		
в. моллар	2651,1		
г. қарздорлар билан ҳисоб-китоб	9020,5		
Жами	15772,8	Жами:	4943,8
Баланс	17005,5	Баланс	17005,5

Баланснинг ишончли эканлиги «Ин-кор» аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланди.(Молия Вазирлиги № 32 лицензия)

«Фарҳод Бозори» ОТҲЖнинг 1997 йилги умумий фойдаси — 20936,0 минг сўм.
Харажатлар ва зарурий тўловлар — 19873,7 минг сўм. Йиллик соф даромад — 1062,3 минг сўм.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

ОМОНАТ ДАФТАРЧАСИ
СБЕРЕГАТЕЛЬНАЯ КНИЖКА

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки

1998 йил

«ОИЛА ЙИЛИ»

деб эълон қилиниши муносабати билан жорий йилнинг 1 мартидан

«ОИЛА»

пул-буюм ютуқли

ЯНГИ ОМОНАТ ТУРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Бу омонат тури бўйича Сиз «NEXIA», «TIKO», «DAMAS» енгил автомобиллари, «DAEWOO» рангли телевизори ва видеомагнитофонлари, «СИНО» музлатгичи, 2х3 ҳажмдаги гиламлар ҳамда қандил ва шунга ўхшаш бир қатор замонавий уй анжомлари ва пул ютуқларини ютиш билан бирга, қўшимча равишда фоиз даромадларини ҳам оласиз.

«ОИЛА» пул-буюм ютуқли омонати бўйича ҳисоб варақаларини Халқ банкининг исталган туман бўлимида очишингиз мумкин.

«ОИЛА» пул-буюм ютуқли омонати Сиз орзиқиб кутган омонат туридир!

Сиз ютган ютуқ ва олган даромадингиз оилангиз кўрки бўлишида Халқ банки омад тилайди!

Маълумотлар учун телефонлар: 78-53-63, 78-29-45, 173-86-80.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ СИЗ АЗИЗЛАРНИ БАҲОР БАЙРАМИ НАВРЎЗ БИЛАН ТАБРИКЛАБ 1998 ЙИЛНИНГ 24 МАРТ КУНИ СОАТ 11.00 ДА, РЕСПУБЛИКА БИРЖАЛАР МАРКАЗИДА БЎЛИБ ЎТАДИГАН БАЙРАМ КИМОШДИ САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Савдога қуйидаги мулклар қўйилади:

1. «Москвич-21412» русумли, давлат рақами ТНГ 04-56 бўлган автомашина. 1989 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи 48534 сўм.**
2. «Москвич-21412» русумли, давлат рақами ТНГ 01-95 бўлган автомашина. 1989 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи 48534 сўм.**
3. «Москвич-21412» русумли, давлат рақами ТНГ 01-67 бўлган автомашина. 1989 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи 45068 сўм.**
4. «Москвич-21412» русумли, давлат рақами ТНГ 01-25 бўлган автомашина. 1989 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи 45068 сўм.**
5. «Москвич-21412» русумли, давлат рақами ТНГ 01-62 бўлган автомашина. 1989 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи 48534 сўм.**
6. «Москвич-21412» русумли, давлат рақами ТНГ 01-51 бўлган автомашина. 1989 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи 48534 сўм.**
7. «Москвич-21401» русумли, давлат рақами ТНА 96-06 бўлган автомашина. 1987 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи 36707 сўм.**
8. «Москвич-21401» русумли, давлат рақами ТНА 61-34 бўлган автомашина. 1985 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи 33988 сўм.**
9. «Москвич-21401» русумли, давлат рақами ТНА 57-70 бўлган автомашина. 1985 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи 33988 сўм.**
10. «Москвич-21401» русумли, давлат рақами ТНБ 30-41 бўлган автомашина. 1988 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи 36254 сўм.**
11. «Москвич-21401» русумли, давлат рақами ТНБ 30-70 бўлган автомашина. 1988 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи 33988 сўм.**
12. «РАФ-22031» русумли, давлат рақами ТНБ 17-11 бўлган автомашина. 1990 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи 142106 сўм.**
13. «РАФ-22031» русумли, давлат рақами ТНБ 01-39 бўлган автомашина. 1988 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи 103158 сўм.**
14. «Москвич-21412» русумли, давлат рақами ТНБ 04-07 бўлган автомашина. 1989 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи 48534 сўм.**
15. «РАФ-22031» русумли, давлат рақами ТНБ 22-40 бўлган автомашина. 1989 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи 124343 сўм.**
16. «РАФ-22031» русумли, давлат рақами ТНБ 01-30 бўлган автомашина. 1989 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи 116053 сўм.**
17. «РАФ-22031» русумли, давлат рақами ТНБ 13-08 бўлган автомашина. 1989 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи 116053 сўм.**
18. «РАФ-22031» русумли, давлат рақами ТНБ 13-09 бўлган автомашина. 1989 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи 124343 сўм.**
19. «ГАЗ-2403» русумли, давлат рақами ТНА 82-24 бўлган автомашина. 1986 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи 48425 сўм.**
20. «ГАЗ-2403» русумли, давлат рақами ТНА 74-66 бўлган автомашина. 1986 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи 48425 сўм.**
21. «ГАЗ-2403» русумли, давлат рақами ТНО 19-15 бўлган автомашина. 1982 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи 45658 сўм.**
22. «Москвич-21412» русумли, давлат рақами ТНГ 01-38 бўлган автомашина. 1989 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи 48534 сўм.**
23. «РАФ-22031» русумли, давлат рақами ТНБ 13-10 бўлган автомашина. 1989 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи 132632 сўм.**
24. «Москвич-21401» русумли, давлат рақами ТНА 82-79 бўлган автомашина. 1987 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи 30589 сўм.**
25. «Москвич-21401» русумли, давлат рақами ТНА 52-27 бўлган автомашина. 1986 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи 33370 сўм.**
26. «Москвич-21401» русумли, давлат рақами ТНА 74-31 бўлган автомашина. 1986 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи 33370 сўм.**
27. «Москвич-21401» русумли, давлат рақами ТНА 90-14 бўлган автомашина. 1987 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи 30589 сўм.**
28. «РАФ-22031» русумли, давлат рақами ТНБ 01-37 бўлган автомашина. 1988 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи 103158 сўм.**
29. «РАФ-22031» русумли, давлат рақами ТНБ 07-05 бўлган автомашина. 1989 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи 124343 сўм.**
30. «Москвич-21401» русумли, давлат рақами ТНА 90-05 бўлган автомашина. 1987 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи 32628 сўм.**
31. «Москвич-21412» русумли, давлат рақами ТНБ 60-88 бўлган автомашина. 1990 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи 39883 сўм.**
32. «РАФ-22031» русумли, давлат рақами ТНА 74-65 бўлган автомашина. 1985 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи 111934 сўм.**
33. «ГАЗ-2403» русумли, давлат рақами ТНО 19-72 бўлган автомашина. 1984 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи 41247 сўм.**

ШУНИНГДЕК, РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ СИЗ АЗИЗЛАРНИ 1998 ЙИЛНИНГ 3 АПРЕЛЬ КУНИ СОАТ 11.00 ДА, РЕСПУБЛИКА БИРЖАЛАР МАРКАЗИДА БЎЛИБ ЎТАДИГАН ЕР МАЙДОНЛАРИНИНГ КИМОШДИ САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ер майдонлари Тошкент шаҳри Сирғали туманида жойлашган. Ер майдонлари харидорларга уй-жой қуриш учун, умрбод эгалик қилиш ва мерос қолдириш ҳуқуқи билан сотилади.

Савдога қуйидаги ер майдонлари қўйилади:

1. 68 сонли ер майдони. 0,4 га. **Бошланғич нархи 224449 сўм.**
2. 69 сонли ер майдони. 0,4 га. **Бошланғич нархи 224449 сўм.**
3. 70 сонли ер майдони. 0,4 га. **Бошланғич нархи 224449 сўм.**
4. 71 сонли ер майдони. 0,4 га. **Бошланғич нархи 224449 сўм.**
5. 81 сонли ер майдони. 0,4 га. **Бошланғич нархи 224449 сўм.**
6. 82 сонли ер майдони. 0,4 га. **Бошланғич нархи 224449 сўм.**
7. 83 сонли ер майдони. 0,4 га. **Бошланғич нархи 224449 сўм.**
8. 84 сонли ер майдони. 0,4 га. **Бошланғич нархи 224449 сўм.**
9. 87 сонли ер майдони. 0,4 га. **Бошланғич нархи 224449 сўм.**
10. 95 сонли ер майдони. 0,4 га. **Бошланғич нархи 224449 сўм.**
11. 115 сонли ер майдони. 0,4 га. **Бошланғич нархи 224449 сўм.**
12. 116 сонли ер майдони. 0,4 га. **Бошланғич нархи 224449 сўм.**
13. 117 сонли ер майдони. 0,4 га. **Бошланғич нархи 224449 сўм.**
14. 118 сонли ер майдони. 0,4 га. **Бошланғич нархи 224449 сўм.**
15. 124 сонли ер майдони. 0,4 га. **Бошланғич нархи 224449 сўм.**
16. 125 сонли ер майдони. 0,4 га. **Бошланғич нархи 224449 сўм.**
17. 126 сонли ер майдони. 0,4 га. **Бошланғич нархи 224449 сўм.**
18. 127 сонли ер майдони. 0,4 га. **Бошланғич нархи 224449 сўм.**
19. 153 сонли ер майдони. 0,4 га. **Бошланғич нархи 224449 сўм.**
20. 160 сонли ер майдони. 0,4 га. **Бошланғич нархи 224449 сўм.**

Муҳтарам жаноблар, Сиз биржа савдолари орқали уй-жойлар, дала-ҳовлилар, иншоотлар ва КамАЗ, МАЗ, ГАЗ русумли автотранспорт воситаларини ҳам пул ўтказиш ёки нақд пул тўлаш йўли билан харид қилишингиз мумкин.

Ушбу автомашиналарга ва ер майдонларига қизиқиши бўлган юртдошларимиз республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, «Бухоро» (олдинги «Правда Востока») кўчаси, 8-уй.
Телефонлар: 136-15-28, 136-15-29, 136-28-75
Факс: 136-26-26.

«Дийдор» реклама-ахборот фирмаси жамоаси фирма раиси Нафиса Шоғуломовага онаси **Зарифахон ИБРОҲИМОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-20-36, 136-54-35.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Ҳатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-47-80, 133-38-55.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 2-11-49;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир С.ЙЎЛДОШЕВА, навбатчи Б.ОСТОНАҚУЛОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 36.136 нусхада босилди.
•
Ҳажми 2 босма табоқ.
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 01046

Босишга топшириш вақти 21.00. Топширилди — 22.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА